

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Самарқанд вилояти

703003, Samarqand shahri, Ko'ksaroy maydoni-1 "D" bino 2-qavat, Tel:(66) 233-03-89, 233-05-53, E-mail:  
sam.expert@bk.ru, www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: ILMURATOV SHOKIR MARDIYEVICH

Sana: 21-09-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 61822**

**Obyekt nomi** «Samarqand viloyati Samarqand tumanidagi «Kichik Kavarzor» va «Lager» kanallarini uchastkalarini betonlashtirish ishlari»

**Buyurtmachi** - Samarqand tumani "Irrigatsiya" bo'limi

**Bosh loyihachi** - "Zarafshonloyiha" x-k.

**Litsenziya** AL-000781 sonli 03. 06. 2020 yil.

**Moliyalashtirish manbai** - Byudjet.

**Bosh pudratchi** - Tender asosida

**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash.

**Murojaat raqami:** № 58009

**1. Loyihalash uchun asos**

1.1. «O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2022 yilda kutilayotgan suv tanqisligi sharoitida qishloq xo'jaligi ekinlarini suv bilan ishonchli ta'minlashga qaratilgan kechiktirib bo'lmaydigan chora-tadbirlar to'grisida»gi 2022 yil 10 maydagi 243-sonli qarori.

1.2. Samarqand tumani Irrigatsiya bo'limi tomonidan berilgan texnik topshiriq.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

2.1. Kitob 1 - Umumiy tushuntirish xati.

2.2. Kitob 2 - Qurilish ishlarini tashkil etish (POS).

2.3. Albom 1 - Chizmalar kanalning bo'ylama va ko'ndalang kesim yuzalari (AS).

2.4. Kitob 3 - Joriy narxlarda resurslar smetasi. Ish hajmlari ro'yxati.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

**3.1. Loyiha maqsadi;**

Samarqand viloyati Samarqand tumanidagi "Konigil", "Navruz", "Chordarra" va "F. Qosimova" agrofimlarining 1010 gektar ekin maydoniga suv yetkazib beruvchi «Kichik Kavarzor va «Lager» kanallari uchastkalarini betonlashtirish bilan vegetatsiya mavsumida ekin maydonlariga o'z vaqtida suv yetkazib berish.

O'rganilgan massivlar; Samarqand shahrining shimoli-sharqiy qismida 16-20 km masofada joylashgan.

Betonlashtirish ishlariga kiritilgan kanallar ma'muriy jihatdan Samarqand tumani hududida

joylashgan va Samarqand tuman irrigatsiya bo'limi balansida turadi. Geomorfologik jihatdan massiv prolyuvial tekislikda joylashgan. Uchastkaning yuzasi qiyaligi 0.004. Umumiy qiyalik shimol tomonga 0.003-0.006 yo`nalgan.

Bugungi kunda loyiha kiritilgan kanal uchastkalari holati yomonlashgan, kanallarning oqim buyicha o'ng tomoni nasipda o'tganligi sababli kanalga katta suv sarfi ochilganda suv nasip qismini yuvib pastga ekin maydoniga va yulga toshib chiqib ketmoqda. Eksploatatsiya tashkiloti tomonidan bir necha bor o'ng tomon nasip qismi kum solingan xalta va tuproq bilan ximoya qilingan. Kanalni ushbu qismida uzan kichrayib suv o'tkazish qobiliyati pasayib foydali ish koeffitsenti 0.62 % ga tushib qolgan.

Ayniqsa «Kichik Kavarzor» kanali s PK7+25 po PK8+75 i «Lager» kanal s PK1+75 po PK3+25 bo'lgan qismi jami 0.3 km masafadagi qismi o'ta og'ir xolatda.

Ishchi loyihaga jami 0.3 km uzunlikdagi ariqlarni tozalash betonlashtirish; «Lager» kanalini kanal s PK1+75 po PK3+25 bo'lgan kanal 150 m masofada va Kichik Kavarzor kanalining PK7+25 po PK8+75 gacha bulgan 150m qismi masofada betonlash ishlari kiritilgan.

Asosiy ish hajmlari: Sifatli tuproqni zichlash va buldozer yordamida tuproq surish ishlari -1049.5 m<sup>3</sup>, 0.5 m<sup>3</sup> kovsh hajmdagi ekskavator yordamida kanal o'zanini kazish -1022,2 m<sup>3</sup>; graviyno peschannaya podgotovka -83.9 m<sup>3</sup>; beton ishlari V15-83.9m<sup>3</sup>; armatura A-III d=8 mm - 1.127t ishlari belgilangan.

Qurilish muddati -40 kun.

### **3.2. Smeta qismi:**

Ishlarning tannarxini xisoblash O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamsining 11.06.2003 yildagi 261 -sonli qarori asosida resurs usulidan foydalangan xolda amalga oshirildi. "Investisiya loyihalarini amalga oshirishda shartnomaviy joriy narxlarga o'tish tug'risida" 05.12.2004 yildagi 226 -son "O'zbekiston Respublikasi hukumatining ayrim qarorlariga o'zgartirishlar kiritish tug'risida" ga SHNQga 4.01.16-09 ga muvofiq shartnomaviy joriy narxlarida qurilish qiymatini belgilash qoidalari.

Ob'ektning joriy narxlardagi qiymati "o'z.R. Qurilish sohasida foydalanilgan moddiy texnika resurslarining joriy narxlari katalogi" asosida xisob kitob xujjatlarini resurs usulida foydalangan xolda aniqlanadi. Fond birjalari va ishlab chiqaruvchilarning ulgurji narxlari foydalangan xolda buyurtmachi tomonidan takdim etilgan ma'lumotlarga kura (qurilish mashinalari va mexanizmlar moddiy resurslar, jixozlar narxlari mexnat xarajatlari, pudratchining boshqa xarajatlari tug'risidagi shartnoma bo'yicha narxlardan Samarqand viloyati hokimi o'rinbosari A. G. Shukurov ishchi komissiyasi vakillari protokoli) xisob kitob xujjatlari asosida aniqlandi.

Ish haqi qiymati (1kishi/ soat uchun) 2021 - yil yanvar oyidan 2021-yil dekabr oyiga qadar O'zbekiston Respublikasi Samarqand viloyati bo'yicha Davlat statistika qumitasi "Qurilish" tarmog'ida o'rtacha oylik ish xaqi darajasining 12 foizini ijtimoiy sug'urtaga ajratmalar xisobiga olingan xolda 19 338,75 so`m etib belgilandi va buyurtmachi tomondan tasdiqlanadi.

### **4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

### **5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

### **6. Ekspertiza natijalari.**

6.1. Ekspert baxolash jarayonida ishchi loyihada Maxalliy xulosaga muvofiq o'zgartirishlar kiritilib, javoblar va qayta ko'rib chiqilgan chizmalar olindi.

6.2. Ekspertning fikr-muloxazalari va takliflari asosida smeta xujjatlariga quyidagi tuzatish va qo'shimchalar kiritildi:

-qabul qilingan standartlar SHNQga muvofiq tuzatildi;

- aniqlangan resurs ko'rsatgichlari mash/soat mexnat xarajatlari kishi/soat;
- qurilish materiallari va jixozlarga bo'lgan extiyojini aniqladi;
- materiallarni tashish narxiga aniqlik kiritildi;
- Pudratching boshqa xarajatlari ko'rsatilgan;

Ob'ektning amaldagi shartnoma narxlarida e'lon qilingan smeta qiymati 111 077,641 ming sum, bajarilgan ishlar xajmi va xarajatlarini aniqlashtirish hisobiga 4 177,641 ming sumga kamaytirilib, QQS bilan va boshqa xarajatlarsiz 106 900,00 ming sumni tashkil etdi. Shu jumladan:

Jixozlar, mebel va inventar -;

Qurilish materiallari va konstruksiyalari - 51 293,290 ming sum

Ish haqi, ijtimoiy sug'urtani xisobga olgan xolda 12 % - 15 272,050 ming sum

Mashina va mexanizmlar -11 886,958 ming sum;

Pudratching boshqa xarajatlari 18,11 % - 14 207,711 ming sum;

Sug'urta xarajatlari -296,512 ming sum;

QQS 15 % - 13943,479 ming sum;

6.3 O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 22.01.2016 yildagi qaroriga asosan №15 - II bob, 8- band : Davlat ekspertizaga taqdim etilgan shaxarsozlik xujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachi (loyixalash jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarni ishonchligi nuqtai nazardan) va ishlab chiquvchi (loyihalash shartlari bo'yicha) zimmasiga yuklanadi. Qabul qilingan dizayn qarorlari)

6.4. Ta'kidlanishicha loyiha tashkiloti ekspertizadan o'tish uchun taqdim etilgan ishchi loyihaning smeta xujjatlarida loyiha va ish xajmini muvofiqli uchun javobgardir.

6.5. Loyiha mualliflariga ekspertiza sharxlari asosida tuzilgan chizmalar va xarajatlar smetasi buyurtmachiga topshirish

6.6. Espert xulosasining amal qilish muddati - 2 yil

## **7. Xulosalar.**

7.1. Ishchi loyiha: «Samarqand viloyati Samarqand tumanidagi «Kichik Kavarzor» va «Lager» kanallarini uchastkalarini betonlashtirish ishlari.» ishchi loyihasi ekspertiza natijalari va mazkur xulosasining 6.3 va 6.5 handlari bo'yicha muloxazalar xisobiga olingan xolda qushimcha ko'rib chiqish va tasdiqlash uchun tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.03 yildagi qaroriga muvofiqligi uchun 261 son 03.07.2003 yildagi 302 son va SHNQ 4.01.16.-09 uchun qurilish qiymati tavsiya etiladi va ish shartnomasini tuzish uchun asos bula olmaydi, qurilish qiymatini qabul qilish to'g'risidagi yakuniy qaror tanlov asosida buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

**Bosh mutaxassis:** Abdiyev Mirzabek Saitmurodovich

## СТАРТОВАЯ СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йилда кутилаётган сув танқислиги шароитида кишлоқ хужалиги экинларини сув билан ишончли таъминлашга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисидаги 2022 йил 10 майдаги 243-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги «Кичик Каварзор» ва «Лагەر» каналлари участкаларини бетонлаштириш ишлари.

СОСТАВЛЕН В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ

№№ ПП	НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ	СТОИМОСТЬ (ТЫС.СУМ)
1	2	3
1	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	15 272,050
2	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ	11 886,958
3	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ	51 293,290
4	ОБОРУДОВАНИЕ	0,000
5	<u>ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ С ТРАНСПОРТНЫМИ И ЗАГОТОВИТЕЛЬНО-СКЛАДСКИМИ РАСХОДАМИ</u>	78 452,298
6	ПРОЧИЕ ПРОИЗВОДСТВЕННЫЕ ЗАТРАТЫ	
7	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА - 18,11%	14 207,711
8	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ ОБЪЕКТОВ НА ПЕРИОД СТРОИТЕЛЬСТВА	296,512
9	КОЭФФИЦИЕНТ ПРОГНОЗИРУЕМОГО РИСКА РОСТА ЦЕН	
10	СТОИМОСТЬ СМР (с учетом коэффициента риска и страхования строительства)	92 956,521
11	ИТОГО СТОИМОСТЬ С НДС 15%	106 900,00

Главный инженер проекта



Ж. КОСИМОВ

«ГАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд туман ирригация  
булими бошлиғи



А.Расулов

2022 йил

Самарқанд туманидаги “Кичик Каварзор” ва “Лагер” каналларини жорий таъмирлаш бетонлаш ишлари учун хизматларини кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш буйича

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ ҲУЖЖАТИ

Самарқанд 2022-йил

## МУНДАРИЖА

- I Боб. Қатнашчига кўрсатма
- II Боб. Танловнинг таклиф шакллари
- III Боб. Етказиб бериладиган маҳсулотлар(хизматлар)га нарх ва техник талаблар
- IV Боб. Тижорат қисми
- V Боб. Шартнома шакли

# 1 БОБ. ҚАТНАШЧИГА КЎРСАТМА

## **A. Умумий маълумот**

Танлов предмети

Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатиладиган тушунчалар

Танлов комиссиясининг вазифалари

Техник ва тижорат таклифларининг баҳолаш турушининг вазифалари

Қатнашчига танловда катнашини учун қўйиладиган маънақ талаблари

Танлов доирасида ҳужжатларининг махфийлигини таъминлаш

## **B. Танлов ҳужжатлари**

Танлов ҳужжатининг таркиби

Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

## **B. Танлов ҳужжатларини тайёрлашни**

Танловда катнашини харажатлари

Танловда қўлланиладиган тил

Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар

Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш

Муқобил таклифлар

Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш

## **Г. Танлов таклифининг топширилиши ва очилиши**

Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш

Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати

Танлов таклифларининг очилиши

## **D. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш тартиби**

Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш

Таклифларнинг мос келмаслиги

## **E. Шартномани расмийлаштириш**

Шартномани расмийлаштириш

Тўлов шартлари

Шартномани имзолаш

## А. УМУМНИЙ МАЪЛУМОТЛАР

### 1. Танлов предмети

Танлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни ва Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3016, 26.05.2018 й.) асосан амалга оширади.

**Танловни ташкил қилишнинг асосий максаллари қўйилганлар:**

Танловни ўтказиш очик турда бўлиб, Самарканд туманидаги "Кичик Каварзор" ва "Лагер" каналларини жорий таъмирлаш бетонлаш ишлари учун хизматларини курсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш кўзда тутилган.

**Тўпламлар сони: 10 кун давомида**

**Хизматларнинг максимал нархи: 106 900 000 сўм.**

Танловга қўйилган товарнинг (хизматнинг, ишнинг) нархи қўшимча қиймат солиғи билан.

Ишлар танлов ҳужжатларининг тижорат қисмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

Хизмат кўрсатиш муддати: 10 кун.

### 2. Мазкур танлов ҳужжатларида ишлатилган тушунчалар

Бюджет маблағлари ҳисобидан Самарканд туманидаги "Кичик Каварзор" ва "Лагер" каналларини жорий таъмирлаш бетонлаш ишлари учун ташкилотни аниқлаш бўйича Танлов (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказишдан мақсад – мазкур Танлов ҳужжатлари талаблари асосида тизимни яратиб берувчи ташкилотни аниқлаш.

Танлов ўтказиш тартиби – бир босқичли.

**Буюртмачи** – Самарканд туман ирригация бўлими.

**Манзили:** Самарканд вилояти, Самарканд туман Гулобот кургани.

Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул шахс – давлат харидлари бўйича мутахассис Ахтами Латофат:

Тел.: (90) 457 58 55.

### 3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

- танлов ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилайди;

- белгиланган тартибда танловни ўтказди;

- танлов талабгорларига тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим қилиш, муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- танлов бўйича келиб тушган таклифларни очик санасини белгилайди;

- таклифлар билдирилган конвертларни очди, уларнинг танлов ҳужжатлари билан белгиланган талабларга (тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва ҳоказо) мувофиқлигини текширади;

- талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларини кўриб чиқишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва қолдиққа ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш;

- зарур ҳолларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;

- қолиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзоланиш бўйича таклиф беради.

**Танловнинг ташкилотчиси** - Ишчи гуруҳ. Унинг вазифасига қўйилганлар қиради:

- танлов ҳужжатлари ишлаб чиқишнинг таъминлайди ва уларни ўрнатилган тартибда талабгорларга тақдим этади;

- танлов ўтказилиши тўғрисида республика товар ҳом аниё биржасининг <https://etender.uzex.uz> порталида эълон беради;

- танлов таклифларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқишнинг таъминлайди.

4. Техник ва тиждат таклифларини баҳолашга танлов комиссиясининг вазифалари:

- катнашчиларнинг танловга такдим этилган молиявий ҳужжатларини ва нарх таклифларини ўрганади, таҳлил қилади ва кўриб чиқади;

- энг яхши танлов нарх таклифини аниқлайди, ғолибни аниқлайди ва қарор қабул қилади.

**Қатнашчи** - мулкчилик шаклидан қатъий назар, танлов талабларида кўрсатилган товарларни етказиб бериш ва хизматларни кўрсатиш бўйича тажрибага ва бўлган ташкилотлар.

Қатнашчи:

- такдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- фақат битта таклифни такдим этиш ҳуқуқига эга;

- такдим этилган таклифни такдим этиш муддати тугамагунча қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. **Қатнашчига танловда қатнашиш учун қўйиладиган малака талаблари**

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига такдим этади. Уларнинг фаолиятини баҳолаш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни такдим этади (Танлов комиссиясининг сўровига кўра).

5.1. Танлов катнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов катнашчилари қуйидаги ҳужжатлар ёрдамида малакали танланади:

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тўғрисидага маълумотнома;

- юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига такдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи кўрсатилган бўлиши ва танлов эълон қилингандан сўнг олинган бўлиши шарт.

5.2. Малакали танловдан ўтган қатнашчи танлов комиссиясига (муҳрланган) ва ички муҳрланган конвертга **йўллашма хат** билан такдим қилган бўлишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи ҳамда шигирок эътиётан лот рақами кўрсатилган бўлиб, қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

- қатнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);

- қатнашчи тўғрисида умумий маълумот (2-шакл);

- қатнашчининг тажрибалари тўғрисида маълумот (3-шакл);

- маҳсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (4-шакл);

- маҳсулотни етказиб бериш, хизматларни кўрсатиш жадвали асли (5-шакл);

- танлов таклифи асли (6-шакл);

- маҳсулот, хизмат учун таклиф қилинаётган нарх асли (7-шакл);

5.3. Қатнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва такдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни ўз ҳисобидан қоплайди.

5.4. Танловда ғолиб чиққан тақдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов ғолиби** – таклифларини баҳолаш якунлари бўйича танловда энг паст нарх таклиф қилган танлов қатнашчиси.

**Захирадаги қатнашчи** – танлов ғолибидан кейинги ўринда турган паст нарх таклиф қилган қатнашчи.

5.5. Танловга қуйидаги қатнашчилар қўйиладиган:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурслари мавжуд бўлмаган;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга бўлмаган;

- инсофеиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;

- имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларини (оффшор

Зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлган:

- аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаган;

Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид тартиб-таъминларида қатнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита миқозининг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай шаклда маблағ иш таклифини ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюмларни ёки хизматларни таклиф қилиши, бериши ёки беришга рози бўлганини - ёки хариддорнинг давлат харидлари жараёнида ҳаракатлари юзасидан қарор қабул қилиниши ёки ҳар қандай рақобат тартибининг қўлланиши;

- иштирокчи қонунга ҳилоф равишда адолатсиз рақобат устуңлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

## 6. Танлов доирасида ҳужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

6.1. Тушган таклифларнинг кўриб чиқилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан баҳоланиши тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади ҳамда танлов тартиб-қондасига расман алоқадор бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор қилинганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## Б. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

### 7. Танлов ҳужжатининг таркиби

7.1. Танлов қатнашчиси унга берилган танлов ҳужжатини ва шу билан бирга барча кўрсатмалар, шакллар, шартлар ва техник тафсилотларни тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт.

7.2. Танлов ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган барча талаб қилинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ тўғри келмаслиги, таклифнинг қабул қилинмаслигига олиб келади.

### 8. Танлов ҳужжатларига аниқлик киритиш

8.1. Ҳужжатларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар Қатнашчи танлов ҳужжатларига қандайдир аниқлик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг сўровига кўра Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддатидан камида 3 кун олдин сўров маибабини кўрсатмаган ҳолда танловнинг барча қатнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов ҳужжатларининг моҳияти ёки мазмуни билан боғлиқ саволга ёзма жавоб бериши шарт.

### 9. Танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

9.1. Таклифларни тақдим этиш муддати тамом бўлгунга қадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия қарорига мувофиқ талабгорларга маълум қилиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли бўлган вақт берган ҳолда, унинг муддатини узайтириб, танлов ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақсиздир.

## В. ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ

### 10. Танловда қатнашиш харажатлари

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қатнашчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида кўрсатилган нарх танлов таклифи нархи ҳисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валютага - сўмда тўланиши лозим.

10.4. Маҳсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)да барча харажатлар, яъни солиқ ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар киритилади.

10.5. Қатнашчи томонидан белгиланган нархлар маҳсулотни етказиб бериш

(хизматларни кўрсатиш) мажбуриятларини босқичга етказишга қилиб ўзгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш бўйича музокаралар олиб бориш натижаси ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига қараб ўзгартирилган нархларни қўлда туғувчи танлов таклифлари исталган босқичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб қаралади ва танлов комиссияси томонидан қўриб чиқилиши рад этилади.

## **11. Танловда қўлланиладиган тил**

11.1. Қатнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва катнашчи ўртасидаги хатлар ва барча тегишли ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланади.

## **12. Танлов таклифини ташкил қилувчи ҳужжатлар**

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, фақат муҳрланган конвертда бўлиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили кўрсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган ҳужжатлар, йўлланма хат билан биргаликда қабул қилинади.

Конвертнинг юза қисмида иштирокчининг номи, боғлиқнинг учун телефон рақамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти кўрсатилади.

Конвертда – маҳсулотни етказиб бериш жадвали, танлов таклифлари, маҳсулот учун таклиф қилинаётган нарх кўрсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим бўлганда Танлов катнашчиларидан тақдим этилган Танлов таклифларини тасдиқлаш учун қўшимча ёки бошқа маълумотларни талаб қилиши мумкин.

## **13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари бўйича тушунтириш**

13.1. Қатнашчи танлов таклифини қатъий равишда мазкур танлов ҳужжатининг II бобидаги шакллар асосида тақдим этиши лозим.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча бўш графалар танлов ҳужжатлари талаблари асосида тўлдирилиши зарур.

13.3. Қатнашчи таклиф этилаётган маҳсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида тақдим этиши лозим.

## **14. Муқобил таклифлари**

14.1. Паст техник (функционал) кўрсаткичларга эга бўлган маҳсулот (хизмат) кўринишида берилган танлов таклифлари кўриб чиқилмайди.

## **15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танловда иштирок этиш учун катнашчи танлов ҳужжатларини имзолаш ваколати бер бўлган ўзининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи ўз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, рақамланган, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки таклифларнинг ҳар бир варағи имзоланган ҳолда тақдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига қўшиб ёзиш учун жой ташланиши ёки ўчириш ҳолатлари мавжуд бўлса, бу таклиф ўз кучини йўқотади ва рад этилади.

15.3. Танлов катнашчисининг имзоланмаган, елимланмаган ва муҳрланмаган конвертлари кўриб чиқилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

## **Г. ТАҢЛОВ ТАКЛИФИНИНГ ТОШИРИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИ**

### **16. Танлов таклифларини муҳрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлов катнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда муҳрлаши керак.

16.2. Қатнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида ўз кучини сақлаши лозим.

16.3. Айрим ҳолларда танлов комиссияси танлов катнашчисидан таклифнинг амалда бўлиш муддатини узайтиришни сўраши мумкин. Бу сўров ва жавоб хат (телеграмма)

кўринишида расмийлаштирилади.

#### **17. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати**

17.1. Қатнашчиларнинг танлов таклифлари <https://etender.uzex.uz> электрон савло платформасида эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш кунини эътиборга олинмайди).

17.2. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддати ҳеч қандай шароитда кўчирилмайди (9.1-бандида эъланилган тасолифий ҳолатлардан ташқари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охириги муддатига 3 кун қолгунга қалар танлов қатнашчиси ўз таклифларини қайтариб олишни ёки таклифга ўзгартириш киритишни мумкин.

17.4. Танлов қатнашчиси томонидан танлов ҳужжатларида талаб этилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмагани ёки мазкур танлов ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотўғри тўлдирилиши, талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаслик ва х.к) кўриб чиқилмайди ва рад этилади.

#### **18. Танлов таклифларининг очилиши**

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати تامом бўлган белгиланган кундан 10 кундан кўн бўлмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертнинг очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, қатнашчилар ёки уларнинг тўлақонли вакиллари иштирокида очилади. Қатнашчилар вакиллари қатнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг қайта ўтказилишига асос бўла олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов қатнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади, танлов ҳужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тўлақонли бажарилиши текширилади.

18.3. Ҳужжатлар пакетига танлов ҳужжатларига қўйилмаган талаблар бузилганлиги аниқланган тақдирда, ҳужжатлар уларнинг мазмуни эълон қилинмасдан қатнашчига қайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов қатнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб ўтилади. Шакл бўйича тақдим этилмаган ва танловга қўйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда алоҳида санаб ўтилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва ғолибни аниқлаш тўғрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

### **Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШ ВА ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ**

#### **19. Танлов таклифларини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш**

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-моллиявий ва тижорат жиҳатдан баҳолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини баҳолаш икки босқичдан иборат:

- техник, ташкилий-моллиявий;
- тижорат.

19.2.1. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида Танлов комиссияси танлов қатнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришнинг сўраши мумкин.

19.2.2. Қатнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тенг шарҳлар асосида ўтказиш мақсадида уларнинг танлов таклифларини баҳолашда, сифатли маҳсулот етказиб беришдан (хизмат кўрсатишдан, иш бажаришдан) иборат бўлган танлов таклифлари бўйича қонунчилик асосида қўшимча қўшилган қиймат солиғи тўловчилари томонидан солиқ суммаси киритиб ҳисоб қилинади.

19.3. Танлов қатнашчиларининг таклифларини моллиявий баҳолаш, тижорат таклифларини баҳолаш мезони асосида аниқланади.

19.4. Танлов таклифларини қараб чиқиб муздати 10 кундан ошмай иш.

19.5. Энг паст нарх таклиф қилган катнашчи ғолиб деб ҳисобланади.

19.6. Якун чиқариш ва танловнинг ғолиби тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ғолибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг яқин тартибдаги ҳулосасига асосланилади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, кўпчилик овози билан қабул қилинади. Танлов комиссияси раисининг овози ҳисобга олинмайди фақат имзоси билан комиссия аъзолари қарорини тасдиқлаб беради.

19.7. Танлов комиссияси танлов ҳужжатлари шартларига мос келмайдиган ҳар қандай танлов таклифларини қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқини ўзида олиб қолади.

19.8. Танлов комиссиясининг сўровларига жавоб бера олмайдиган катнашчилар томонидан тақдим этилган (берилган) ҳар қандай тушунтиришлар кўриб чиқилмайди.

Баённома йиғилишида иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланиши керак.

19.9. Танлов ташкилотчиси танлов ғолибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай билдиришнома беради ва якунларини Республика товар-ҳом ашё биржасининг [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) maxsus порталида эълон қилади.

## **20. Таклифларнинг мос келмаслиги**

20.1. Танлов ҳужжатларини текшириш чоғида аниқланган арифметик хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни баҳолашда, товар (хизмат, иш) нархи билан бирлик нархи ва сонини кўпайтириш натижасида олинган якуний нарх ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик қиладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган қарор қабул қилиши мумкин. Агар сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) билан рақамда кўрсатилган сумма (нарх) ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда сўзлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик қилади.

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тўғрилашдан бош тортеа, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг қарори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун катнашчи ҳуқуқи бошқа юридик шахсга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20.4. Танлов кўйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади:

тегишли лот бўйича танлов таклифларини тақдим этишнинг энг охириги муддатигача таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса;

барча танлов таклифлари танлов ҳужжатларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлмаса;

барча танлов таклифларида танлов ҳужжатлари шартлари билан талаб қилинадиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошланғич қийматидан анча юқори бўлса.

20.5 Танловнинг бўлиб ўтмаган, деб эълон қилиниши танлов катнашчилардан бирон-бирининг мулкий ёки бошқа жавобгарлигига олиб келмайди.

## **1. Танлов**

### **Е. ШАРТНОМАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

#### **21. Шартномани расмийлаштириш**

21.1. Буюртмачи ва танлов ғолиблари ўртасидаги шартнома танлов ғолиблари тўғрисида республика товар-ҳом ашё биржасининг <https://etender.uzex.uz/> maxsus порталида эълон қилинган кундан бошлаб уч кун муддат ичида тузилади.

21.2. Агар Танлов ғолиби шартнома тузишни рад этса ёки белгиланган муддатда шартномани бажариш учун қафолат бермаса, у ҳолда Буюртмачи танлов комиссияси қарорига мувофиқ кейинги энг кўп баллга эга бўлган захирадаги катнашчининг танлов ғолиби деб эътироф этиши ёки тақрорий танлов ўтказишни тайинланиши мумкин.

#### **22. Шартномани имзолан**

22.1. Голлиб катнашчи 3 (уч) кун муддат ичнда Буюртмачи билан шартнома имзолани шарт.

22.2. Голлиб деб топилган катнашчи шартномани бажарини кафолатини муддатда бера олмаса кейинги энг кўп балл тўнлаган захирадаги катнашчи билан шартнома имзоланади.

23.3. Танлов голлиби миқдор, сифат ҳамда техник ёўраткичлари бўйича шартнома талабларини бажармаса конун доирасида (ёки шартнома талабларига асосан) жавобгарликка тортилади.